*ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР*

# КОММУНИСТЛАРНИНГ АКТИВ ПОЗИЦИЯСИ

**Республикамиздаги бошланғич партия ташкилотларининг ярмидан кўпроғида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларнинг ҳисобида турувчи коммунистларнинг 96 процентга яқини иштирок этди, деярли ярми музокараларда қатнашди. Барча жойларда партия бюросининг фаолиятига қониқарли баҳо берилди. Ҳисобот докладлари ва музокараларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилишга бағишланган йиғилишлардаги ўзаро танқид ва талабчанлик руҳи баралла сезилиб турди. Йиғилишларга тайёрланиш ва уларни ўтказишда раҳбар партия органларининг вакиллари фаол иштирок этдилар.**

ГУЛИСТОН. Ворошилов районидаги автотранспорт корхонаси партия ҳисобот-сайлов йиғилиши барча коммунистларнинг тўлиқ иштирокида ўтди. Унда партия ташкилоти ва маъмурият фаолиятидаги камчиликлар ошкора танқид қилинди. Бунга тўла асос бор эди. Чунки корхонада гарчанд 8 ойлик топшириқлар бажарилган бўлсада, юк обороти, пассажир ташиш кўрсаткичлари ўринланмади. Айрим коммунистлар мусобақада пешқадамлик қилиш у ёқда турсин, планларини ҳам бажара олмаяптилар.

Ховос темир йўл бўлими партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида 73 коммунистдан 55 нафаригина иштирок этди. Шу фактнинг ўзи коммунистлар партия ташкилоти ва коллектив олдида турган вазифаларни бажаришга фаол ёндашмаётганлигидан далолат беради. Бу ерда ҳал қилинмаган муаммолар кўп: меҳнат унумдорлиги пасайиб кетяпти, юкларни талон-торож қилиш ҳоллари содир бўляпти.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши коммунистлардан коллективдаги ишнинг аҳволи учун масъулиятни оширишни талаб қилди. Юбилей йили социалистик мажбуриятларини бажариш учун ташкилий, сиёсий ва идеологик ишлар самарадорлигини янада оширишга қарор қилинди.

Комсомол районидаги «Баҳор» совхози коммунистлари қишлоқ меҳнаткашларининг маиший шароитларини яхшилаш ишлари билан жиддий шуғулланмаётганлиги учун партбюро ва маъмуриятни асосли танқид қилишди. Бу масала ўтган йилги ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам кўтарилган эди, лекин ҳанузгача ижобий ҳал қилишга киришилмаяпти.

УРГАНЧ. Область партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари талаблар даражасида ўтяпти. Маҳаллий матбуот органларида бу йиғилишларнинг бориши кенг ёритилмоқда. Шаҳар телефон станцияси, Урганч тикувчилик фабрикаси, «Қўшкўпир» совхози, «Госкомсельхозтехника» Хазорасп район бирлашмаси ва бошқа коллективларнинг коммунистлари ўз йиғилишларини ишчанлик, ўзаро танқид руҳида ўтказдилар.

Ўтган муддатда айрим партия ташкилотлари ишида активлик сезилмади. Жумладан, Урганч халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш фабрикаси партия бюроси ўз фаолиятида коммунистлар активига суянмади, етилган масалалар принципиаллик билан ҳал этилишига эришмади. Ҳисобот доклади ҳам юзаки тайёрланди, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришга эътибор берилмади. Коммунистлар докладда партия ташкилотининг кўзбўямачилик, ошириб ёзиш ҳоллари билан муроса қилиб келаётганлиги қайд қилинмаганини номигагина танқид қилдилар, холос.

НАВОИЙ. Конимехдаги 106-автобаза коммунистлари бир ой илгари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш йўлларини белгилашаётганда асосий эътиборни меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратишган эди. Хўш, шу вақт ичида қандай ўзгариш содир бўлди. Йиғилишда сўзга чиққан темирчи М. Тоғаев шундай деди:

— Автобазада хўжасизлик ҳамон ҳукм суряпти. Ҳайдовчилар машиналарни ишдан сўнг гаражга қўйишмайди. Маъмурият бу ҳолга барҳам беришни ўйламаяпти. Партия бюроси ҳам бу камчиликларни тугатиш учун курашда коммунистларнинг активлигини оширишга эришмаётир.

Навоий нон заводи ишлаб чиқаришида юз бераётган нуқсонлар коммунистларни ташвишга солмоқда. Бу камчиликлар асосан заводда кадрлар етишмаслиги туфайли содир бўляпти. Ушбу масалада шаҳар партия комитети уларга ёрдам беришга шошилмаяпти. Жадал ривожланиб бораётган шаҳарга новвойлар, қандолатчилар ҳам керак. Шаҳардаги ҳунар-техника билим юртларидан бирида шундай мутахассислар тайёрловчи бўлим очишни жиддий ўйлаб кўриш лозим.

НАМАНГАН. Тўрақўрғон қуруқ мева тайёрлаш заводида анча муаммолар бор. Корхонада маҳсулот таннархини арзонлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш бўйича белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилмаяпти. Партбюро, маъмурият ва касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақани ташкил қилиш, ишчиларнинг ишлаши ва дам олишлари учун етарли шароитлар яратиб беришга яхши эътибор қилмаяпти.

Аммо партбюро секретари Ф. Исҳоқов ўз докладида бу муаммоларга конкрет тўхталиб ўтмади. Бу эса музокараларнинг ҳам юзаки ўтишига сабаб бўлди. Ҳар галгидек бу йиғилишда ҳам «штатли» нотиқлар сўзга чиқишди. Кўпгина коммунистлар муҳокамада актив иштирок этмадилар. Юзакичилик, принципсизлик йиғилиш қарори руҳига ҳам таъсир қилди. Район партия комитети бу партия ташкилоти ўз ишини шу кун талаблари асосида қуришига яқиндан ёрдам бериши керак.

Наманган машинасозлик заводи коллективининг учдан икки қисмини ёшлар ташкил этади. Шу туфайли ҳам корхона коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ишчиларнинг касб-маҳоратини ошириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, мураббийчилик ҳаракатини ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 60 ёш ишчига турдош касблар ўргатилди. Беш нафар комсомол аъзоси КПСС сафига қабул қилинди. Шунингдек, йиғилишда партия ташкилоти комсомолга раҳбарликни талаблар даражасида олиб бормаётгани, касаба союз ва комсомол ташкилоти фаолиятидаги айрим камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Айниқса, корхона комсомол комитетининг секретари, ёш коммунист Ф. Носиров фаолиятига нисбатан жиддий танқидий фикрлар билдирилди.

**Бошланғич партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайловларнинг бориши партия комитетларида муҳокама қилинди. Йиғилишларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш давридаги ютуқ ва камчиликлар ўрганиб чиқилиб, қимматли тажрибалар умумлаштирилди. Коммунистлар томонидан билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларнинг 25 процентдан кўпроғи юзасидан ҳозирнинг ўзидаёқ амалий чоралар кўрилди.**

# БУЮК ҒАЛАБА КУНИ ШАРАФИГА ШАНБАЛИК

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига ҳамма ерда пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Яқинда Шаҳрисабз шойи тўқиш фабрикаси, «Каршистрой» бошқармаси ва Нишон районидаги Сальвадор Альенде номли совхоз коллективлари Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига 1984 йил 20 октябрда коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар.

Ташаббускорлар шанбалик куни юксак самарадорлик билан меҳнат қилиш, иқтисод қилинган материаллар ва энергия ресурслари ҳисобига кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Шу куни ишлаб топилган маблағ Совет Тинчлик фондига ўтказилади.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Каршистрой» бошқармасидан шанбаликда 18 минг киши иштирок этади. Шу куни 380 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Шундан 57 минг сўм маблағ Тинчлик фондига ўтказилади.

Шаҳрисабз шойи тўқиш фабрикасининг ишчилари ҳам ғоят баланд руҳ билан меҳнат қилишга, ишлаб топилган маблағнинг 3 минг сўмини Тинчлик фондига ўтказишга қарор қилдилар.

Шунингдек, қўриқ Нишон районидаги Сальвадор Альенде номли совхоз пахта далалари ва чорвачилик фермаларида шанбалик куни 700 киши меҳнат қилади. Машиналарда 200 тонна, қўлда 80 тонна пахта терилади. 1,5 тонна сут ишлаб чиқарилади. Шу ҳисобдан тушган иш ҳақининг 5 минг сўми Совет Тинчлик фондига ўтказилади.

Қашқадарё область партия комитети, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитети илғор меҳнат коллективларининг ташаббусини қизғин маъқулладилар. Айни пайтда бу ватанпарварлик ҳаракати область саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз, совхозлар бўйлаб кенг қулоч ёймоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



● Риштон бадиий буюмлар заводи маҳсулотларига Иттифоқимиздагина эмас, балки хорижий мамлакатларда ҳам талаб йил сайин ортиб бормоқда. Суратда: Ўзбекистон ССР халқ рассоми Иброҳимжон Комилов ва унинг шогирдлари тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

Б. Ҳакимов фотоси.

# ДЎСТЛИК ВАЗИЯТИДА

15 октябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ЛХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЛХДР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Лаос Халқ Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Пхун Сипасет билан учрашди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбат вақтида ҳозирги халқаро вазиятнинг баъзи проблемалари, шунингдек Совет-Лаос муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Министрлар СССР билан ЛХДР ўртасида марксизм-ленинизм, социалистик интернационализмнинг мустаҳкам принципларига таянувчи муносабатлар юксак даражада ривожланганлигини мамнуният билан қайд этиб ўтдилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан ЛХРП Марказий Комитети Бош секретари, ЛХДР Министрлар Советининг Раиси Кейсон Фомвиханнинг 1984 йил 26 июндаги учрашуви Совет-Лаос алоқаларини янада ҳар томонлама кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги таъкидланди.

А. А. Громико Жанубий-Шарқий Осиё проблемаларини сиёсий йўл билан бартараф этиш, шу районни тинчлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик зонасига айлантириш борасида СССРнинг принципиал позициясини тасдиқлади. Совет Иттифоқи Лаос Халқ Демократик Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси ва Кампучия Халқ Республикасининг шу йўлда сарфлаётган конструктив куч-ғайратларини қўллаб-қувватлашга қаратилган йўлини давом эттираверади. Совет Иттифоқи ўз суверенитети ва территориал бутунлигини ташқи ҳамлалардан қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Лаоснинг адолатли позициясини ҳам изчиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

Пхун Сипасет ЛХДР раҳбарлари номидан гапириб, ядро фалокатининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, кескинликни юмшатишни қайта тиклаш, давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш соҳасида КПСС билан Совет давлати ўтказиб келаётган йўлни тўла-тўкис қўллаб-қувватлашини билдирди.

Томонлар Совет Иттифоқи билан Лаос Халқ Демократик Республикасининг халқаро майдондаги тобора қалин баҳамжиҳат ҳаракати муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб ўтдилар. Бундай баҳамжиҳат ҳаракат социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг, планетадаги барча тараққийпарвар кучларнинг тинчлик, демократия ва социализм йўлидаги муштарак курашига қўшилган салмоқли ҳисса бўлади.

(ТАСС).

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

## ЮКСАК БАҲО

АДАН. (ТАСС). Яман Социалистик партияси Марказий Комитети Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси, Бош министри А. Н. Муҳаммад ўзининг яқинда Совет Иттифоқига қилган визити натижаларига юқори баҳо берди. Жанубий Яман раҳбари юртига қайтиб келганидан кейин матбуот учун берган баёнотида визит демократик Яманнинг СССР бошчилигидаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш йўлига тўла-тўкис мос бўлиб тушганини уқтирди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан бўлган учрашув айниқса муҳим аҳамиятга эгадир, деб таъкидлади А. Н. Муҳаммад. Бу учрашув миллий демократик революция вазифаларини амалга ошириш йўлидаги курашда партиямиз билан халқимиз учун куч-қувват манбаи бўлган Жанубий Яман — Совет муносабатларини янада ривожлантиришга янги омил бахш этди.

## БМТ ҲУЗУРИДАГИ СССР ДОИМИЙ ВАКОЛАТХОНАСИНИНГ НОТАСИ

НЬЮ-ЙОРК, 15 октябрь (ТАСС). Мустамлакачиликни тугатиш жараёнини ниҳоясига етказиш, халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини таъминлаш — халқаро ҳамжамият олдида турган энг муҳим вазифаларнинг биридир. БМТ ҳузуридаги СССР доимий ваколатхонасининг БМТ Бош секретари номига юборилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 39-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган нотасида шундай дейилади. Нотада Совет ҳукуматининг халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ёппасига амалга ошириш ҳамда мустамлака мамлакатлар ва халқларга тезроқ мустақиллик берилишининг аҳамияти масаласи хусусидаги фикри баён этилади.

Совет Иттифоқи ўз ташқи сиёсатининг ленинча принципларига мувофиқ шу мақсадга эришишга бундан буён ҳам ҳисса қўшаверади, ўз миллий озодлиги ва социал тараққиёт учун курашаётган халқларни изчиллик билан қўллаб-қувватлайверади, деб таъкидланади ҳужжатда.

Африка жанубидаги мустамлакачилик — ирқчилик тартибларини тезроқ тугатиш вазифаси мустамлакачиликни таг-томири билан қўпориб ташлашда энг муҳим проблема эканлиги нотада уқтириб ўтилади. ЖАРнинг БМТ Уставини ҳамда мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги 1960 йилги декларацияни қўпол равишда бузишдан иборат хатти-ҳаракатлари Африка қитъасининг жанубида бениҳоя таҳликали вазиятни вужудга келтирмоқда, бу эса халқаро тинчлик ва хавфсизликка солинаётган таҳликагина бўлмай, уни очиқдан очиқ бузиш ҳамдир.

СССР Намибияга янги мустамлакачилик қабилидаги қўғирчоқ режимни тиқиштириш йўлидаги уринишларни ҳам қоралайди ва Намибия халқига БМТ қарорлари асосида ҳеч кечиктирмай мустақиллик берилишини талаб қилади.

Ҳужжатда таъкидлаб ўтилишича, мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларация Тинч, Ҳинд, Атлантика океанларида ва Кариб денгизида жойлашган кичик территориялар деб аталган мамлакатларга нисбатан ҳам амалга оширилиши керак. Жумладан, БМТнинг Уставига хилоф равишда, Хавфсизлик Кенгашининг измидан ташқари, АҚШ Тинч океанидаги БМТ васийлиги остида бўлган территория — Микронезияни ўзининг мустамлака мулкига айлантириб олишга интилмоқда. АҚШ микронезияликларнинг ҳуқуқларини поймол этиб, шу оролларадаги ракета техникаси синаладиган мавжуд полигонларни, ҳарбий-ҳаво базаларини, ядровий, химиявий қуроллар ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуроллари омборларини кенгайтириш ва янгиларини барпо этиш режаларини тузмоқда. Диего—Гарсиа ороли мустамлакачилик ҳукмронлиги остида ушлаб турилганлиги ва АҚШ ҳарбий базасига айлантирилганлиги ҳам империализмнинг ўта ҳарбий-стратегик муддаоларига мувофиқ ўтказилаётган сиёсатнинг тимсолидир.

## ХАБАРЛАР ОҚИМИ

ВАРШАВА. Бу ерда ПХР сеймининг сессияси очилди. Депутатлар ПХРнинг 1985 йилги халқ хўжалик плани лойиҳасини, шунингдек бошқа масалаларни кўриб чиқмоқдалар.

ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский сессия ишида қатнашмоқда.

* * *

ВЕНА. Вице-канцлер, савдо-ҳунармандчилик ва саноат министри Норберт Штегер СССРга қилган визитининг якунлари хусусида ўтказилган матбуот конференциясида Совет — Австрия савдо-иқтисодий алоқаларига юксак баҳо берди. Совет Иттифоқи билан Австрия республикаси ўртасидаги ҳамкорлик жўшқин ривожланиб бормоқда ва унинг истиқболлари порлоқ, деб таъкидлади у. Москвада бўлиб ўтган музокаралар дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида бўлди ҳамда икки мамлакат ўртасидаги амалий муносабатларни янада чуқурлаштириш учун катта аҳамият касб этди. (ТАСС).

* * *

БРЮССЕЛЬ. Бельгия мамлакатда Американинг биринчи зарба берувчи янги ракета-ядро қуроли жойлаштирилишига ҳозирча расмий розилик билдирмаганлигига қарамай, маъмурлар АҚШнинг қаттиқ тазйиқи остида қанотли ракеталарни қабул қилиб олишга актив тайёргарлик кўрмоқдалар. Матбуотнинг хабар беришича, Бельгия ҳарбий ҳаво кучларининг Флореннадаги базасида тегишли инфраструктура яратиш ишлари жадал олиб борилмоқда. НАТО блокининг стратеглари бу жойни 18 та «Томагавк» жойлаштириш учун танлаб олганлар. Бу ерга ҳозироқ Американинг 800 нафардан кўп ҳарбий хизматчиси келган.

* * *

ЛУАНДА. Ирқчи Жанубий Африка Республикасининг агентлари халқ Анголасига қарши яна бир жиноят қилди. Ангола АНГОП ахборот агентлигининг хабар беришича, улар пойтахтдан 200 километр жанубда жойлашган ва мамлакатдаги энг катта Камбамбве ГЭСидан Луандага энергия келтирадиган линияни ишдан чиқарганлар. Шу диверсия натижасида шаҳар уй-жой кварталларининг электр таъминоти узилиб қолган.

(ТАСС).

## ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

● КОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасида ер-сув ислоҳоти муваффақиятли давом этмоқда. Афғонистоннинг шимолидаги Балх вилоятида яқинда деҳқонлардан 180 киши ерли бўлди. Ғазна вилоятида 80 нафар ва Қундуз вилоятида 40 дан кўпроқ деҳқон ҳам ер олишди. Революциядан кейинги даврда жами 670 минг гектардан кўпроқ ер уч юз минг деҳқонга тақсимлаб берилди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон энергетикасини ривожлантириш кенг программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу ерда эълон қилинган расмий маълумотларга кўра, 1984/85 молия йилининг дастлабки олти ойи мобайнида мамлакатнинг атом, иссиқлик электр станциялари ва гидроэлектростанциялари қарийб 76 миллиард киловатт-соат электр энергиясини ҳосил қилди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14 процент кўпдир.

Ҳиндистон ҳукумати миллий энергетика базасини янада мустаҳкамлашни республикани социал-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисобламоқда. Мамлакат мустақиллиги йилларида электр станцияларнинг умумий қуввати 20 баравар кўпайиб, ҳозир қарийб 40 миллион киловатт-соатни ташкил этади.

● ТРИПОЛИ. Мамлакат озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини таъминлаш проблемаларини ҳал этиш Ливия жамаҳирияси раҳбарларининг диққат марказида турибди. Хун шаҳрида хурмо қоқиси тайёрлайдиган янги завод фойдаланишга топширилди. Ҳозирги вақтда бу завод йилига 3 минг тонна маҳсулот тайёрлаб чиқариш учун мўлжалланган, келгусида эса бу маҳсулотни уч баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Ҳозирги вақтда Ливияда озиқ-овқат саноатининг 6 та янги корхонаси қурилмоқда, шу тармоқнинг яна 20 та объекти реконструкция қилинмоқда ва янгиланмоқда.

● ҚОҲИРА. Баланд Асвон тўғони, деди Мисрнинг таниқли олими Салоҳиддин Шалш Қоҳирада чиқадиган «Розал юсуф» журнали мухбири билан суҳбатда, Миср экономикасини ривожлантириш учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Тўғон бир йилда мамлакатда ҳосил қилинаётган бутун электр энергиянинг учдан бир қисмидан кўпроғини бизга беради. Тўғоннинг барпо этилганлиги, деб таъкидлади у, шоли етиштириладиган майдонларни тўрт баравардан зиёд кўпайтириш, бир миллион феддан ерни (1 феддан 0,42 гектарга баравар) доимий суғориш имконини берди. Асвон гидрокомплекси туфайли бир миллион феддандан зиёд чўл қўшимча ўзлаштирилди.

● ҚОҲИРА. Исроилдан олинган хабарларга кўра, мамлакатда шу йилнинг охирига бориб ишсизлар сони учдан бир баравар кўпаяди. Ҳозирги вақтда Исроилнинг меҳнат биржаларида ҳар қандай ишга рози бўлган 40 мингдан кўпроқ кишининг аризаси бор. Бундан ташқари кўпдан бери иш топишдан умидини узган ўн минглб бошқа кишилар ҳам ишсиз юрипти. Шу боисдан улар меҳнат биржаларида рўйхатга олинмайди. Ҳатто коммуникациялар министри Рубинштейн «Джезрузалем пост» газетаси мухбири билан суҳбатда исроилликларни ишсизлик, социал тартибсизлик ва доимий танглик, шу жумладан зўравонлик кутаётганлигини тан олишга мажбур бўлди.

Исроилнинг «Изасбест» компаниясига қарашли завод яқинда ўз ходимларининг олтидан бир қисмини ишдан бўшатди. Бу эса ишчиларнинг ғалаёнларига сабаб бўлди. «Ата текстайлс» компаниясининг ходимлари ўз корхонасининг ёпиб қўйилишига қаршилик кўрсатишга уриниб курашни давом эттирмоқда. Аҳоли камбағал табақаларининг намояндалари оғир солиқ исканжаси остида қийналиб тирикчилик ўтказишга мажбур бўлмоқдалар.

## МИСЛСИЗ ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИКЛАР ВАЗИЯТИДА

ВАШИНГТОН. Президент Рейган космос бўйича миллий комиссия тузиш тўғрисидаги ижроия фармонига имзо чекди. Расмий равишда эълон қилинишича, бу комиссия Америка космик программасининг узоқ муддатли мақсадлари ва вазифаларини белгилаш ҳамда таърифлаб бериш, АҚШнинг бу соҳадаги потенциал имкониятларини таҳлил этиш ва йил давомида ўз тавсияларини тақдим қилиш учун тузилади.

АҚШ Ер атрофидаги фазони ҳарбийлаштириш соҳасидаги мислсиз тайёргарликларни авж олдириб юборган бир пайтда космос бўйича миллий комиссия тузишга қарор берилганини эълон қилди. Ракетадан мудофаанинг космосда жойлаштириладиган элементлари бўлган кенг миқёсли системасини вужудга келтиришга оид илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларигагина Пентагон ҳозирги молия йилида 1,4 миллиард доллар пул олди. Ҳарбий маҳкамага йўлдошга қарши системаларининг бирданига уч синовини ўтказиш учун ҳам катта маблағ ажратилди. «Самовий урушлар» олиб боришга ҳозирлик кўриш учун АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳарбий денгиз кучларида космик қўмондонликлар тузилди. Қуролли кучларнинг бирлашган космик қўмондонлигини вужудга келтириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш бошқармаси (НАСА)га ҳозир аслида Пентагоннинг қўшоғи бўлиш роли ажратиб берилмоқда. Сенатор У. Проксмайрнинг ибораси билан айтганда, Рейган маъмурияти «НАСАни ҳарбийлаштириб қўйди». Пентагон энг катта пудратчиларидан бири — «Женерал дайнэмикс» корпорацияси собиқ вице-президенти Ж. Беггсни НАСАнинг директори этиб тайинлади. Унинг ўринбосари лавозимини АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари собиқ министри Г. Маркс эгаллади. Натижада Американинг космосни тинч мақсадларда тадқиқ қиладиган кўпгина программалари қисқартирилди ёки тугатилди.

Мана шундай шароитда космос бўйича миллий комиссиянинг тузилиши АҚШнинг ер атрофидаги фазони тинч мақсадларда тадқиқ этиш программалари кенгайтирилишига олиб бориши амри маҳол эканлиги равшан. Ҳозирги маъмурият космосни биринчи галда яна бир «уруш ҳаракатлари майдони» деб билаётганлигини унинг хатти-ҳаракатлари кўрсатиб турибди. (ТАСС).

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**◆ ВАРШАВА.** ФКП делегациясининг Польшага қилган визити вақтида ПБИП ва Фаластин Компартиясининг вакиллари Совет Иттифоқининг Яқин Шарқ можаросини бартараф этишга қаратилган таклифларини тўла қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар. Томонлар Исроил Фаластин аҳолисига нисбатан ўтказаётган бедодлик ва камситиш сиёсатини қоралаб, араб мамлакатларидаги тараққийпарвар ва империализмга қарши кучларнинг бирлигини мустаҳкамлаш зарурлигини уқтирдилар. ПБИП вакиллари Фаластин халқининг ўз ажралмас ҳуқуқларини, шу жумладан ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз давлатини тузиш ҳуқуқини амалга ошириш учун олиб бораётган одилона курашини қўллаб-қувватладилар.

**◆ КОБУЛ.** Кобул университетида министрлик ва бошқа давлат муассасалари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш уч ойлик курслари АДРда биринчи марта ишлай бошлади. Бу курсларнинг очилиши, деди тантанали маросимда АХДП Марказий Комитетининг аъзоси, олий ва ўрта махсус таълим министри Б. Ғиёсий, демократик Афғонистон партия ва ҳукумати миллий кадрларнинг сиёсий, мафкуравий ва профессионал тайёргарлигига катта эътибор бераётганлигини кўрсатмоқда.

**◆ ЛУАНДА.** Ангола пойтахтида МПЛА — Меҳнат партияси, ФРЕЛИМО партияси ва Конго Меҳнат партияси марказий ревизия органларининг иккинчи конференцияси ўз ишини тамомлади. Ангола, Мозамбик ва Конго делегациялари Африкадаги социалистик йўлни танлаб олган мамлакатлар ижтимоий-сиёсий турмушида авангард партияларнинг ролини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар. Партия интизомини мустаҳкамлаш, ёт ҳодисаларга қарши кураш, армияда ва ҳуқуқ-тартибот органларида партиявий иш масалалари ҳам учрашув кун тартибига киритилган эди.

(ТАСС).

## ОШКОРА ГАПЛАР

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Исроил АҚШнинг Яқин Шарқдаги манфаатлари ижрочисидир, деди очиқдан очиқ Исроил бош министри Ш. Перес ўзининг Қўшма Штатларга қилган визити охирида. Перес жўнаб кетишидан аввал «Вашингтон пост» газетаси ва «Нью суик» ҳафталиги бир гуруҳ редакторлари ҳамда мухбирлари билан учрашиб Тель-Авивга Американинг ҳарбий иқтисодий ёрдамини янада кўпайтириш «зарурлиги»ни зўр бериб уқтирди.

Бу пулнинг кўпчилиги мамлакат аҳолисининг эҳтиёжларига эмас, балки унинг ҳарбий қудратини мустаҳкамлашга ишлатилади, деб тан олди сурбетлик билан бош министр. «Америка доллари эвазига сотиб олинадиган самолётлар, танклар ва кемалар — Қўшма Штатлар билан Исроилнинг манфаатларига хизмат қиладиган капиталдир. Бизнинг манфаатларимиз эса муштарак. Яқин Шарқни Исроилсиз бир тасаввур этиб кўринг, Американинг Яқин Шарқдаги манфаатларига пул сарфлашга тайёрмисиз?», — деб намойишкорона савол берди Перес.

АҚШдагилар бу саволга ҳамиша ижобий жавоб бериб, «36 йил мобайнида Исроилнинг ҳарбий қудратини молиявий асос билан таъминлаб келдилар», — деб таъкидлайди «Вашингтон пост» газетаси. Газетанинг ҳисоб-китобларига кўра, шу вақт ичида Тель-Авив АҚШдан 28 миллиард доллар пул олди. Исроил бош министрининг саволига Вашингтондагилар бу сафар ҳам ижобий жавоб беришди. «Ҳозирги молия йилида, — деб уқтиради «Нью-Йорк таймс» газетаси, — Исроил Қўшма Штатлардан иқтисодий ёрдам тариқасида 1,2 миллиард доллар ва ҳарбий ёрдам тарзида 1,4 миллиард доллар пул олади. 2,6 миллиард доллар — бошқа бирон бир мамлакатга берилган ёрдам пулидан кўпгина бўлиб қолмай, бу қайтариб бериш лозим бўлмаган, еб кетарга қилинган тухфадир. Аммо Перес ўзига «бундан ҳам кўпроқ пул» кераклигини айтди.

